O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

XXI

Янги йил, янги аср,
янги минг йиллик
муборак, азизлар!

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2001 йил 3 январ, чоршанба | № 1 (205) | Сотувда эркин нархда

# Ўзбекистон халқига Янги йил табриги



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Авваламбор, байрам дастурхони атрофида жам бўлиб ўтирган сиз, азизларни — кексаю ёш, барча юртдошларимни кириб келаётган Янги йил айёми билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бир неча дақиқалардан кейин инсон ўзига тасаввур қилиши ҳам қийин бўлган воқеанинг гувоҳи бўламиз — хонадонларимизга бир пайтнинг ўзида янги йил, янги аср, янги минг йиллик кириб келади.

Асрлар ва минг йилликлар алмашадиган, инсоният янги даврга қадам қўядиган бундай ноёб ва тарихий лаҳзаларга гувоҳ бўлиш — барчамизга Оллоҳ таоло насиб этган улуғ инъом, катта бахтдир. Халқимиз таъбири билан айтганда, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Азиз юртдошларим!

Ўзининг оламшумул ютуқлари ва мислсиз фожиалари, мураккаб зиддиятлари билан одамзотни ҳайратга соладиган XX аср билан хайрлашар эканмиз, унинг кўп-кўп ҳақиқатларни очиб берган тарихий сабоқлари беихтиёр ҳаёлимиздан ўтади.

Бу давр кишилик тарихида инсоннинг коинотга чиқиши, илм-фаннинг гуркираб ривожланиши, чинакам мўъжизаларга йўл очилиши, ишлаб чиқаришни, ижтимоий ҳаёт ва инсон дунёқарашини кескин ўзгартириб юборгани билан одамзот хотирасида ўчмас из қолдиради.

Бу аср жаҳон миқёсида мустамлакачилик тузумининг барҳам топиши, миллионлаб мазлум халқларнинг озодлик ва эркинлик учун кураш даври бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Лекин, таассуфки, инсоният бу асрда ҳам оғир муаммолар, турли синов ва хавфу хатарлардан бутунлай халос бўлолмади.

Дунёнинг икки марта жаҳон урушини бошдан кечиргани, бутун-бутун халқлар ҳаётига хавф соладиган миллий, мафкуравий, диний асосдаги қарама-қаршиликларнинг, ҳудудий можароларнинг авж олгани, халқаро террорчилик, экстремизм, экологик хатарлар, гиёҳвандлик каби иллатлар инсоният бошига улкан мусибатлар олиб келгани ҳам мана шу даврнинг аччиқ ҳақиқатидир.

Ўтаётган асримизга хос бундай ижтимоий тўфонлар бизнинг ўлкамизни ҳам четлаб ўтгани йўқ, албатта. Халқимиз мустамлакалик зулми ва қарамлик жабрини тортди, мустабид тузум, камситиш, тазйиқ ва қатағон йилларини бошидан кечирди, озодлик ва истиқлол учун кураш йўлида қанча-қанча қурбонлар берди. Лекин ҳар қандай оғир, машаққатли синовларда ҳам ўз орзу-ниятларидан, дину диёнатидан, улуғ мақсадларидан, ҳуррият сари интилишидан қайтмади.

Шу боис ҳам халқимиз, миллатимиз учун, шу табаррук ва мўътабар замин — Ўзбекистон менинг ягона ва бетакрор Ватаним, деган ҳиссиёт билан яшаётган ҳар қайси инсон учун XX аср, аввало, мустақиллик асри бўлиб қолажак.

Биз тарих берган ноёб имкониятдан фойдаланиб, ўз ҳаётимизни, ўз тақдиримизни қўлга олдик, ўзлигимизни англадик. Ўз кучимиз ва қудратимизга ишониб, халқимизнинг олижаноб фазилатлари, сабр-матонати, фидокорона меҳнати туфайли қисқа даврда — шу асрнинг охирги ўн йиллигида келажагимиз ва бахт-саодатимиз пойдеворини барпо этдик, янги асрга озод халқ, эркин миллат бўлиб, ёруғ юз билан кириб бормоқдамиз.

Шу маънода, дунёдаги илғор мамлакатлар билан биргаликда тараққиёт йўлидан бориш, ҳаётимизни ислоҳ этиш, жамият ва давлат тизимини янгилаш ва эркинлаштириш, бир сўз билан айтганда, юртимизни обод, халқимиз ҳаётини фаровон қилиш борасида 2000 йил ўзига хос ўринга эга бўлди.

Ўйлайманки, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига бефарқ қарамайдиган, мана шу ўзгаришларни ўз қалбидан ўтказадиган ҳар қайси инсон ҳаётимизда рўй бераётган янгиланиш жараёнларини кўриб беихтиёр қувониши шубҳасиз.

Шаҳар-қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси кундан-кунга ўзгариб, чирой очаётгани, бепоён далаларимизда, ишга туширилаётган янги-янги корхоналаримизда, умуман, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, масъулияти ортиб бораётгани бугунги кунимизнинг энг устувор хусусиятидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Маънавий-маданий ҳаётимизни янги маъно-мазмун билан бойитиш, миллий қадриятларимизни тиклаш, асл томирларимизга қайтиш йўлида амалга ошираётган хайрли ва эзгу ишларимиз ўзлигимизни англаш ва буюк мақсадларимизга эришишда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Бу борада Соғлом авлодни тарбиялаш, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурларни амалга ошириш, фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлида қўйган қадамларимиз барчамизни қувонтирмасдан қолмайди.

Айни вақтда юртимизнинг бойликларига кўз олайтираётган, танлаб олган йўлимиздан собитқадамлик билан олға юришимизни кўролмайдиган, кўпмиллатли халқимизнинг тинч-тотув ҳаётини, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигимизни, жамиятимизда ҳукм сураётган меҳр-оқибатни бузишга уринаётган манфур кучлар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.

Шу боис биз бу кучларнинг қабиҳ ниятларидан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз, азиз болажонларимизни асраш ва уларни ёвуз таъсирлардан сақлаш — ҳар бир ота-онанинг инсоний бурчи эканини яна бир карра англаб олишимиз даркор.

Муҳтарам дўстларим, биродарларим!

Мана шу унутилмас лаҳзаларда ҳар қайси инсон Оллоҳ таолодан қалбининг тўрида ардоқлаб келаётган энг эзгу истак ва ўйлари рўёбга чиқишини, ўзига, оиласи ва фарзандларига эсон-омонлик, элу юртига тинчлик, тўкинлик ато этишини, омад ёр бўлишини сўрайди.

Мен ҳам сиз — миллион-миллион азиз ҳамюртларимнинг ана шундай орзу-умидларига тилакдош бўлиб, дилингиздаги пок ниятларингиз ижобат топишини Яратганимиздан сўрайман.

Ҳеч шубҳасиз, янги кириб келаётган йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг тинч ва осуда ҳаётини асраш, ёрдамга муҳтож оилаларни давлат ҳимоясига олиш йўлида, тадбиркор ва ишбилармонлар учун, изланиб яшаётган ҳар қайси инсон учун имконият ва шарт-шароит яратиш, уларнинг йўлини очиб беришга, одамларнинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган ишларимиз янада кучаяди ва, иншоолло, ўз самарасини беради.

Янги асрнинг биринчи йилини Оналар ва болалар йили деб атаб, янги йилни хонадонларимиз чароғи, ҳаёт давомчиси бўлган мунис оналар ва истиқболимиз эгалари — фарзандларимиз тимсолида кўришимиз буюк келажакни фақат соғлом ва баркамол авлодгина бунёд эта олади, деган ҳақиқат ҳаётимизда изчил ва мустаҳкам қарор топаётганининг тасдиғидир.

Биз кириб келаётган йилда катта ифтихор ва ғурур билан нишонлайдиган мустақиллигимизнинг ўн йиллик байрами ҳамда тарихимиздаги буюк саналарни муносиб кутиб олишга қаратилган барча режаларимиз янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши ва унинг файзу баракасини зиёда этиши муқаррар.

Қадрли ватандошларим!

Барчамизнинг нигоҳимиз мангулик сари ошиқаётган соат милларига қаратилган мана шу ҳаяжонли дақиқаларда ҳар бирингизни хаёлан бағримга босиб, айтмоқчиман:

Янги йил хонадонларимизга бахту саодат, файзу барака олиб келсин!

Дуогўй отахон ва онахонларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ўғил-қизларимизнинг камолини берсин!

Халқимизнинг боши омон, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил, янги аср, янги минг йиллик барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



2001

ОНАЛАРИМИЗ ВА БОЛАЛАРИМИЗ ЧЕҲРАСИДАН КУЛГУ-ҚУВОНЧ АРИМАСИН!

## ХАЙДОВЧИ МАДАНИЯТИ

*Фикр*

Кейинги йилларда республикамизда автомобил ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги, шунингдек, давлат тасарруфидаги автокорхоналарнинг автомобиллари ҳам хусусийлаштирилганлиги туфайли шахсий автомобиллар сони кескин ошди.

Ўз навбатида автомобил йўллари ҳам кенгайтирилиб, транспорт қатновини яхшилаш мақсадида барча йўлларга зарур йўл белгилари ўрнатилди.

Автомобил йўлларидаги ҳаракатланиш иштирокчиларининг “Йўллардаги ҳаракатланиш қоидалари” талабларига амал қилишини назорат қилиш Давлат автомобил назорати ходимлари зиммасига юкланган. Улар йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф этишга масъул ходимлар ҳам ҳисобланишади.

Лекин таассуфлар бўлсинким, бу соҳада фаолият кўрсатаётган ДАН ходимлари айрим жойларда, шу жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам, тегишли профилактика ишларини юқоридаги таъкидланган талаб даражасида олиб бормоқда деб бўлмайди.

Масалан, “Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари”нинг 16.1 банди талабларини олиб кўрайлик. Мазкур банднинг талабига кўра, “ҳайдовчи пиёдаларнинг тартиб

**(Давоми 3-бетда)**

Ушбу сонда:

*ГиёҳБандилари*

**ҚАЛТИС ЙЎЛДАН ҚАЙТ, АЁЛ!**



Шундай қилиб **Илон йили** йўлга тушди



**Кайфият...**

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ҲАММА МАСЪУЛ

*Нуқтаи назар*

Кейинги вақтларда “Фалончининг ўғли безорилик қилиб қўлга тушибди”, “Пистончининг фарзанди ўғрилик қилибди” ёки “Фалончининг боласи нашавандликка ружу қўйганмиш”, деган нохуш гаплар қулоққа чалинадиган бўлиб қолди.

Бундай нохуш аҳвол Президентимизни ҳам, ҳукуматимизни ҳам бефарқ қолдирмаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”-ги қарорининг қабул қилиниши шу жиҳатдан бежиз эмасдир. Ушбу ҳужжат ўз вақтида ва жуда тўғри қабул қилинган деб ўйлайман. Ҳақиқатан ҳам қарорда кўрсатиб ўтилганидек, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сусайтириб юборилганлиги, улар устидан бўлган назоратнинг бўшлиги, иш билан таъминланиш ва бошқа муаммолар қониқарли даражада ҳал этилмаганлиги оқибатида ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар учраб турибди.

Қарорда таъкидланган бундай камчиликлар шаҳримизда ҳам йўқ эмас. Вилоят, шаҳар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жамоатчиликнинг ёшлар тарбияси бўйича олиб бораётган бир қатор ишларига қарамай, ҳуқуқбузарликлар асосан ўрта мактабларни тугатиб, ўқиш ёки ишга кирмаган, ота-оналар назоратида бўлмаган ёшлар томонидан содир этилаётир. Айни пайтда катталар томонидан вояга етмаганларни жиноятга жалб этиш фактлари ҳам йўқ эмас. Буни шаҳар суди мажлисларида кўрилаётган жиноий ишлардан ҳам билиш мумкин.

Масалан, шаҳар судининг 2000 йил 10 июл куни бўлган мажлисида 1982 йилда туғилган, Норин кўчасида яшовчи Раҳим Ибрагимовнинг жиноят иши муҳокама этилди. Судланувчи 29 апрел куни ўзининг Ҳасанободдаги участкасига бормоқчи бўлади. Йўлда унга таниши, вояга етмаган Музаффар Расулов учрайди. Икковлон М.Жалил кўчасидан ўтаётиб, 21-уйнинг олдида “ВАЗ-2106” русумли 16 С 23-94 давлат белгили қаровсиз қолдирилган машинани кўриб қолишади. Раҳим қараса, машинанинг эшиклари қулфланмаган экан. Шунда унга машинадан бирор нарсани ўғирлаш фикри келади. Мақсадини амалга ошириш учун тағин бирор киши чиқиб қолмасин, деб Музаффарни дарвозанинг ички томонига қараб туришни буюради. Ўзи машина эшигини очиб, бир дона нархи 60 минг сўм бўлган ДЭУ русумли магнитафонни олади. Уни костюмига ўраб Музаффарга бериб, йўлда давом этади. Раҳимнинг ҳаракатини узоқроқдан кузатиб турган бир болакай дарҳол уйга кириб “икки бола машинадан магнитафонни ўғирлаб кетди”, деб айтади. Машина эгаси югуриб чиқиб қараса, икки ўспирин нарироқда кетаётган бўлади. У дарҳол бориб икковини ушлаб, шу атрофда бўлган милиция участка инспекторига топширади. Уларнинг қилмиши юзасидан жиноят иши қўзғатилади. Раҳим Ибрагимов шаҳар судининг ҳукми билан 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Вояга етмаган Музаффар Расуловга эса 2 йил синов муддати белгиланди.

Ушбу жиноят иши билан танишиб чиқиб, ўйланиб қоласан киши. Нега жиноятчи вояга етмаган бир ёшни қонун бузишга жалб этди? Музаффарнинг ота-онаси-чи? Нечун улар фарзандни назоратсиз қолдиришди? Унинг қаерларда, кимлар билан юришини нега суриштиришмайди? Оила эътиборидан четда қолган, юриш-туриши ҳақида ота-онасига ҳисоб бермайдиган фарзанддан жиноятчи чиқмайди, деб ким кафолат бера олади? Бу каби саволлар устида бош

**(Давоми 3-бетда)**

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР БИЛАН ҲАМКОРМИЗ

***Маълумки, солиқлар давлатимизнинг иқтисодий таянчи ҳисобланади. Давлат, солиқ, солиқ тўловчи ўртасидаги ҳамкорлик, бу борадаги ислоҳотлар янги асримизда соҳа ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Президентимиз Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўта муҳимлигини ҳар бир солиқчи юракдан ҳис этмоғи лозим.***

***Бу борада Бухоро вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мухбиримизнинг суҳбати айни шу мавзуда.***

*...ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида солиқ тизими биринчи галда рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши лозим, - дейди суҳбатдошим Бухоро вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Абдурашид ҲАКИМОВ*



- Солиқ идораларининг асосий мақсади давлатимиз иқтисодини мустаҳкамлашдир. Бунинг учун ходимларимиз солиқ тўловчилар билан ҳамкорликда ишлашлари, уларнинг меҳнат қилишлари учун янада қулайликлар яратиш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама рағбатлантириш, кўмаклашишлари лозим. Айниқса, солиқ соҳасидаги қонунлар, улардаги ўзгаришлар ва қўшимчаларни солиқ тўловчиларга ўз вақтида етказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйиш ниҳоятда муҳимдир.

Вилоятимизда бу борада қатор ишлар амалга оширилдики, натижада биз зиммамизга қўйилган долзарб вазифаларни ўз вақтида, ортиғи билан бажариб, сезиларли натижаларга эришдик. Аввало солиқ тўловчилар билан солиқ идоралари ходимлари ўртасидаги муносабат тўғри йўлга қўйилди. Солиқ тўловчиларга ҳар томонлама қулайликлар яратилди. Солиқ инспекцияларида "ҳисоботларни қабул қилиш" шўъбалари ташкил этилиб, бинога кириб-чиқишга қулай хоналар ажратилди. Ҳисобот қабул қилиш хоналари ихчам, замонавий тарзда жиҳозланди. Эндиликда солиқ идорасига ҳисобот топширишга келувчилар хонама-хона юрмасдан, бир хонада қисқа вақтда ҳисоботларини топшириб, тегишли маслаҳатлар олишлари мумкин. Шунингдек, солиқ қонунларини кенг тарғибот қилиш мақсадида Республика Давлат солиқ Қўмитаси ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги Ахборот-Маслаҳат Марказининг вилоятимиздаги бўлимида тайёрланган меъёрий қўлланмалар солиқ тўловчиларга ўз вақтида етказилмоқда. Ойида икки марта нашр этилаётган "Солиқ назорати" газетамиз орқали солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ва янгиликлар тарғиб этилмоқда. Солиқ тўловчилар билан йил давомида ўтказилган юзма-юз мулоқотлар, семинарлар ва суҳбатлар ҳам уларнинг муаммоларини ўрганишга, қилиниши лозим бўлган ишларни режалаштиришга бизга кўмак бериб келмоқда.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида солиқ тизими биринчи галда рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши лозим. Бу ўз навбатида "Солиқ кодекси" талабларига риоя этадиган солиқ тўловчиларни тарбиялаб боришни талаб этади. Солиқ ахбороти, солиққа тортиш тартибларининг изчил соддалаштирилаётгани, сервис хизмати, тезкор алоқа каби ўзгаришлар фикримизнинг аниқ далилидир.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли солиқ интизоми тобора мустаҳкамланиб, давлат бюджетини маблағ билан таъминлашда ўсишга эришаяпмиз. Жорий йилнинг ўтган даври натижалари ҳам қувончли бўлди. Вилоят солиқ идоралари ходимларининг самарали меҳнатлари туфайли ўтган йил солиқ тушумлари режаси ортиғи билан бажарилди.

Фаолиятимиз иқтисодий мажмуа таркибидаги барча муассасалар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этувчи маҳкамалар билан бевосита ҳамкорликка чорлайди. Чунончи, қоидабузарликлар бўйича жиноий иш қўзғатишда жиноят иши таркибини аниқлаш ва суриштирув ўтказишда, тезкор тадбирларни ўтказишда солиқ соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бошқармаси, прокуратура органлари, миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар, айниқса, Давлат автомобил назорати жамоалари билан яқин ҳамкорликда иш юритмоқдамиз. Корхоналар ва солиқ тўловчиларнинг қарзларини ундиришда хўжалик суди, рўйхатга олинган мол-мулкни сотишда эса кўчмас мулк биржаси амалий ёрдам кўрсатаяпти.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари иштирокида жорий йилнинг ўтган даври давомида 50 дан зиёд учрашув ва суҳбатлар ўтказилганлиги вилоятда маҳаллий солиқларни ўз вақтида тўлиқ ундириб олишга катта таъсир кўрсатди. Вужудга келаётган айрим муаммоларни тез ҳал этиш учун барча солиқ идораларида фаолият кўрсатиб келаётган "Ишонч телефонлари"дан фойдаланаяпмиз. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида солиқ тўловчилардан 100 дан зиёд турли мазмундаги мурожаатлар қайд этилиб, тегишли тартибда ҳал қилинди. Фуқаролар асосан олинадиган даромад солиғи миқдори, айрим истеъмол моллари тақчиллиги ва уларнинг амалдаги нархи, қўлланадиган жарима ва бошқа жазо чораларининг қонунларга мослиги тўғрисида сўраб, аниқ жавоблар олдилар.

Вилоятимизда солиқ тушумларининг асосий салмоғини ташкил этувчи Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи: "Бухороёғ", "Когонёғ", "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамиятлари, шунингдек, "Бухоромармар", "Данчар" қўшма корхоналари зиммаларидаги солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаб келмоқдалар. Шу билан бир қаторда солиқларнинг ўз вақтида тўланиши учун қанчалик уринмайлик, солиқ қонунчилигига риоя қилмаётган, қонунларни четлаб ўтишга интилаётган солиқ тўловчилар ҳамон учраб турибди. Бозорларни тартибга солиш, тадбиркорларнинг савдо-сотиқ билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериш, улардан даромад солиқлари ва патта тушумларини ўз вақтида ундириш ҳамиша эътиборимизда. Турғун савдо шахобчаларида назорат касса машиналарининг мавжудлиги, нақд пул тушумларини кирим қилинишини мунтазам назорат қилиб борилаяпти.

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан Бухоро шаҳридаги "Ато ал Фаттоҳ" хусусий фирмасида савдо қоидаларига риоя қилиниши бўйича назоратли текшириш ўтказилганда, жиддий камчиликларга дуч келинди. Амалдаги қонун талабларига зид равишда "Ато ал Фаттоҳ" хусусий фирмасида назорат касса машинаси ўрнатилмаган. Аҳолига 1 миллион 318 минг 476 сўмлик савдо хизмати кўрсатилган бўлсада, савдо пуллари фирманинг хазина дафтарига кирим қилинмасдан фақатгина 200 минг 300 сўмлик нақд пул тўғридан-тўғри банкка топширилган.



Бундан ташқари фирмада амалдаги қонунлар талаблари қўпол равишда бузилган. Текшириш даври мобайнида 22 миллион 201 минг 303 сўмлик алкоголли маҳсулотлар фирмалар ва хусусий тадбиркорларга пул кўчириш йўли билан сотилган. Улгуржи сотилган спиртли маҳсулотлар бўйича фирма томонидан ноқонуний равишда 279 минг 947 сўмлик даромад олинган. Аниқланган камчиликлар бўйича фирманинг раҳбарига, масъул ходимларига нисбатан қонуний чора кўриш учун тўпланган назоратли текшириш ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига топширилди.

Яна бир мисол: Пешку туман, Пешку қишлоғида яшовчи Садир Закиреев туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан музқаймоқ келтириб сотиш учун берилган қайд гувоҳномасини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, яширин равишда чанқовбосди яхна ичимликлар ишлаб чиқараётгани тўғрисида бизга билдиришди. Бу маълумот тўғри ёки нотўғрилигини билиш учун солиқ соҳасидаги қонунбузарликларга қарши тезкор курашиш бошқармаси билан биргаликда рейд ўтказилди. Натижада ҳақиқатан ҳам С.Закиреев чанқовбосди ичимликлар тайёрлайдиган цехни хонадонида, яъни автомашина гаражида ташкил этгани маълум бўлди.

Бу "тадбиркор" ўз юртдошлари сиҳат-саломатлигини эмас, балки фақат чўнтагини, ўз фойдасини ўйлагани учун тегишли жазо оладиган бўлди.

Ҳар қандай жамиятда хоҳ ҳуқуқий, хоҳ иқтисодий жабҳадаги қонунбузарликларга ўз вақтида мустаҳкам тўсиқ қўйилмаса, улар бора-бора маддалаб газак олади. Буни тизимимиз ходимларига мунтазам тушунтирамиз.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, текширишлар сони кескин қисқарди. 1999 йилнинг ўн бир ойида 3161 хўжалик субъекти текширилган бўлса, 2000 йилнинг шу даврида улар сони 1745 ни ташкил этди. Демакки, текширишлар сони 1416 тага қисқарди.

Иш фаолиятимизга таъсир этувчи яна бир оғриқли ҳолат борки, бу айрим тоифадаги солиқ тўловчиларнинг банкротга учраётганлигидир. Биз солиқ тизими идоралари ходимлари имкони борича ночор корхоналарнинг оёққа туришига, уларнинг иқтисодий тикланишига ёрдам берамиз. Токи, ночор корхоналар раҳбарлари ўзлари ҳаракат қилиб, аниқ тадбирларни амалга оширмас эканлар, бизнинг уринишларимиз зое кетаверади. Ўтган йилнинг ўн бир ойи мобайнида вилоят хўжалик суди томонидан 55 та банкротлик ишлари кўрилди. Улардан 53 таси банкрот деб эътироф этилди. Ф.Хўжаев туман Давлат солиқ инспекциясига ҳисобот берувчи "Беҳруз-Сабина" хусусий фирмаси давлат бюджети олдидаги 10330,3 сўм қарзини олти ойдан ортиқ вақт мобайнида тўламай келганлиги сабабли Хўжалик суди томонидан 2000 йил 29 июнда 452/5 сонли ажрим билан банкрот деб эътироф этилди ҳамда тугатиш комиссияси томонидан тугатиш ишлари амалга оширилиб, 2000 йил 20 сентябрда корхона давлат реестридан чиқарилди.

Худди шунингдек, Ромитан туманида жойлашган "Қоракўлча" хусусий кичик корхонаси ҳам давлат бюджети, пенсия жамғармаси ҳамда кредиторлар олдидаги 5.883,3 сўм қарзларини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли 2000 йил 25 феврал 85/4 сонли ажрим билан банкрот деб эътироф этилган ва 2000 йил 10 октябрда давлат реестридан чиқарилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бугунги солиқ тизими ходими ана шундай банкрот корхоналар бўлмаслиги, солиқ қонунчиликларини бузувчи юридик ва жисмоний шахслар камайиши учун фидойи шахс бўлмоғи лозим. Солиқ тизими ходимларига нисбатан борган сари талабнинг ошаётгани қувонарли ҳолдир. Эндиликда тизим ходимига тегишли ихтисослик, маълумот ва ишга ярoқлиликнинг ўзигина кифоя қилмайди. У касб маҳоратига эга бўлиши билан бирга маънавий ва сиёсий жиҳатдан етук ҳамда кутилмаган вазиятларга шай турмоғи лозим. Шундагина биз давлатимиз томонидан билдирилаётган катта ишончга "лаббай" деб жавоб беришимиз мумкин.

**Суҳбатдош: Ражаббой РАУПОВ, "Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири**





## БОЙЛИГИМ – ФАРЗАНДЛАРИМ

*- Мустақил юртимиз қонунларига таяниб, "Бухорбек" фермер хўжалигини ташкил этдим, - дейди Бобоназар полвон. - Ўтган йил мухбирлар мени "Минг қўйли бой" деб ёзишди. Сал хижолатга тушсам-да, ростини айтадиган бўлсам, улар ҳақ эдилар: янги минг йилликда хўжалигимиз янада кенгайди, қорамолларимиз сони 300 тага етди. Қишлоқда яшайдиган полвонлар отсиз туролмайди, қаерда бир довруқли от дарагини эшитсам, бориб кўраман... ўнгга яқин от асраяпман, агар иш билан бўлиб, уч-тўрт кун уларни кўрмасам — соғинаман. Киши яқинлари, фарзандлари билан бутун бўлганидек, мен отларим билан, шогирдларим, севимли машғулотим билан кучлиман...*

*Мўъжазгина сурат-ҳикоямиз қаҳрамони — Бухоронинг Жондор туманида туғилган Бобоназар Чориевни кўпчилик полвон сифатида танийди: узоқ йиллар давомидаги шиддатли курашлари ҳамон минглаб мухлисларнинг қалбида, хотирасида эъзозланади. У бугунгача ҳам курашдан, мураббийликдан ажрамади. Самбо, дзю-до ва миллий кураш бўйича мамлакатимизнинг етти бор чемпиони Бобоназар айни йигит ёшида. Беш фарзанднинг отаси, аёли Мўмина Остонова ўрта мактабда рус тили ва адабиётидан дарс беради.*

*Аҳил, қудратли, тўкин оила бағрида мамлакатимизнинг бўлажак жаҳон чемпионлари ҳамда ибратли қизлар вояга етмоқда.*

**Р. АШУРОВ олган сурат**

*Танқидга жавоб*

## АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНДИ, ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**«Инсон ва қонун» газетаси муҳарририятига**

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Инсон ва қонун» газетасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 47-сонида чоп этилган «Тадбиркорга тўғаноқ» мақоласида қайд этилган ҳолатлар жойида чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқилди.***

***Давлат солиқ қўмитасининг 2000 йил 14 декабрдаги 403-сонли, Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 549 шт-сонли ва 21 ноябрдаги 553 шт-сонли буйруқлари билан иш фаолиятида жиддий хато-камчиликларга йўл қўйган Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси ва унинг тизимидаги қуйи солиқ идораларининг қатор раҳбар ва масъул ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181, 182-моддаларига мувофиқ интизомий жазо чоралари кўрилди. Тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиб, камчиликларни бартараф этиш ва келгусида такрорланмаслиги мақсадида ишлар бошлаб юборилди, уларнинг амалга оширилиши назоратга олинди.***

**Э.ГАДОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари**

*Журналист мулоҳаза қилади*

# ҚОРА КЎЛАНКА

**(Памфлет ўрнида)**

Ҳозир жаҳонда бу аср вабосига қарши йўлланаётган куч ва воситаларнинг сон-саноғи йўқ, десак муболаға бўлмайди. Юртимизда ҳам ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчиликнинг кучи билан гиёҳвандликка оид фактлар тобора кўп фош этилаяпти. Ҳудудимиз орқали ўтувчи йўлларга ишончли тўсиқлар солинаяпти. Шу каби саъй-ҳаракатлардан сўнг ҳам гиёҳвандлик миқёси камаймаяпти. Фактлар, далиллар, исботларни инкор этолмайсиз. Бу ҳол бир қарашда чиндан ҳам мантиққа мос эмасдек туюлади. Негаки, қўшни юртдан «экспорт»га чиқарилаётган гиёҳвандлик воситаларини «ов»лаш ҳажми ортиб бораяпти. Лекин бундан қониқиш ҳосил қилолмаймиз. Боиси, улар овланаётган заҳар экспортнинг бир қисми, холос. Қўшни юртда тинчлик-хотиржамлик бир қадар ҳукмрон бўлган пайтларда йўл ва сарҳадларимизда оқ ажал уруғи ушлаб қолиниши камдан-кам учрарди. Энди бўлса бу миқдор ҳатто тонналарни ташкил этаяпти. Хўш, у ҳолда гиёҳвандлик воситалари юртимизга қандай йўллар билан кириб келаяптию, унинг домига тушаётганлар сони нега бу қадар ортаяпти?

Биламиз, бу каби саволларга жавоб топиш анча мушкул. Шундай бўлса-да, айтиб қўяйлик: наркобизнес билан шуғулланувчиларни анойилардан санаманг. Гўё сиз шохидасизу улар баргида юришгандек. Хўш, ўша анойи бўлмаганлар аслида ким? Бизнингча, йўл ва сарҳадларда оддий наркокурьерларнинг биронтаси ҳам посбонларнинг тийрак ва зийрак кўзларидан йироқ юришаётгани йўқ. Юзтаси эса 99 таси қўлга тушиб, жазосини олаяпти. Аммо бизнесчиларнинг қўлга тушмас, тутқич бермас тоифалари ҳам пайдо бўлганлигини афсус билан сўйламоқ ва мутасаддилардан бунга қарши тадбир сўрамоқ фурсати келди. Бу тоифага мансуб кимсалар юртимизга гиёҳвандлик воситаларини ҳар куни ташиб келишмайди. Бироқ ойда, йилда бир бор ташилгучи «ажал уруғи»нинг ўзи оддий наркокурьерларнинг ойлар, йиллар мобайнида элтадиган «ўлим элчиси»дан кўра чандон ҳисса кўп, десак ҳечам янглишмаймиз. Бу — уюшган жиноятчилар гуруҳининг иши. «Баргида юрганлар» ҳам ўшалар. Фикри ожизимизча, энди оддий бангиларни «ов»лаш билан иш битмайди, муддаога эришилмайди. Аммо оддий банги деганимиз ҳам аслида уюшган наркомафиянинг бир мурвати, думи, бўлаги, мудҳиш «ажал дарахти»нинг кичик-кичик шохчаси. Бизнинг ҳар нарсага «қобилу-қодир» посбонларимиз кўпинча ана ўшаларни «ов»ламоқда. Танаси ва томирлари курраи заминнинг кўпгина мамлакатлари бўйлаб ёйилган бу даҳшатли дарахтни бир ҳамла билан қулатиш чиндан ҳам амри маҳол. Шундай бўлса-да, уни мамлакатимиз ҳудудига ёймаслик йўли албатта мавжуд. Таассуфки, бу масалада масъул бўлган сарҳадимиз қўриқчилари, ҳозирча жиловни қўлга олишганича йўқ. Мисолни биргина Хоразм вилоятидан келтиришнинг ўзи кифоя. 2000 йилнинг 9 ойи мобайнида вилоятнинг биринчи поғона судларида гиёҳвандликка оид 591 та жиноий иш бўйича ҳукм чиқарилди. 694 нафар шахс суднинг қора курсисига ўтқазилди. Буларнинг бари наркомафия дарахтининг барги ва шохчалари. Шу давр ичида гиёҳвандлик ва асабни фалаж қилувчи бошқа воситалар контрабандасига оид 15 тагина иш кўрилиб, атиги 19 киши суд қилинди. Халқаро наркомафия дарахтининг тани ва илдизлари унинг барги ва шохчалари сонидан ҳам ортиб кетгани назарда тутилса, бу арзимасгина «ов» эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Қиссадан ҳисса шуки, оддий гиёҳвандлар «ови» билан бу мудҳиш иллатни барҳам топдириб бўлмайди. Хоразмлик изқуварлар яқинда Урганчда Рўзи Холбоева деган аёлни 14,5 килограмм тарьяк моддасини Самарқанднинг Ургутидан харид қилиб, бу ерга келтирган пайтда қўлга олдилар. У жиноятини поёнига етказишга улгуролмади. Ёши етмишни қораласа-да, қинғирлигини қўймаган, одамийлик кўчасига юрмаган бу кимса билан биргаликда бутун бошли жиноятчилар гуруҳининг кирдикорлари фош этилди. Аммо... Илоннинг боши ҳали янчилганича йўқ. Рўзи опага сотилган йирик миқдордаги тарьякнинг нақд 4 килоси насия. Самарқандлик яна бир тарьякфуруш Ашур Ҳамроев уни терговда шахси аниқланмаган Фурқат исмли кимсадан пулини кейин (мол сотилгач) берарга харид қилиб, Рўзи Холбоеванинг қўлига тутқазган.

...Йўловчи транспорти, хусусан, автобус ва поездларнинг сарҳадларимиз қўриқчилари томонидан пухта назорат этилаётганлиги факт. Лекин шуни ҳам унутмайлик, мазкур транспорт воситалари орқали гиёҳфурушлик воситаларини олиб ўтишнинг деярли иложи йўқ. Демак, қаердадир «ёриқ» бор.

Яқинда бир туман милициясининг бошлиғи нолиб қолди: эмишки, айрим ота-оналар ҳатто бу тузалмас дардга чалинган фарзандларини қамаб беришни сўраб мурожаат қилишаётганмиш.

Ҳа, бу офат билан курашда қийинчилик кўп. Хорижнинг ушбу хавфли юкини аниқлашнинг ўзи бўлмаяпти.

Юртимизда содир этилган босқинчилик, қўпорувчилик, террорчилик ҳаракатларини халқаро наркомафия корчалонлари бошқаргани эндиликда кўпчиликка аён. Бу ҳол назарда тутилса, халқаро майдонда терроризм ва наркомафиянинг йўли бирлашиб кетгани яққол намоён бўлади. Маъшум ва маълум бир ҳовуч бузғунчи каллакесарларнинг ниятлари аслида халқаро наркобизнес учун минтақамизнинг қулай ҳудудларидан йўл ва плацдарм ҳозирлашга қаратилганлигини билиб олиш учун ақлни кўпам пешлаш талаб этилмайди. Агар билсангиз, ўз юртига қурол ва «дори» билан таҳдид солганлар бузғунчилик ҳаракатининг «боши» ёки «тўши» эмас, балки оддийгина думи, қуйруғи эдилар. Жиловнинг бошини ушлаган туллаклар бу сингари хатарли юмушларга дин ниқоби кийдирилган ғўр ва гўлларни оддий югурдаклардан бўлак кимларни ҳам йўллай олишарди?!

Ўзбекистонда омманинг аксарият қисми тинч ва яратувчилик меҳнати бағрида. Истиқлол уларнинг кўз очиб кўрган бахт қуёши. Шу боис ҳам мамлакат аҳолиси озодлик нури энган бу жаннатмакон юртда кечаётган демократия ва ислоҳот жараёнларини чин дилдан маъқуллайди. Юртимизда босқинчилик ва қўпорувчиликнинг қўланса ҳиди анқий бошлаган, Ватан хоинлари устидан суд мажлислари ўтаётган пайтларда мамлакатимизда бузғунчиликка қарши умумхалқ қаҳр-ғазаби туғёнга келгани боиси ҳам шу.

Шуни қайд этмоқ жоизки, гиёҳванд моддалар савдоси бугун кимнингдир чўнтагини қаппайтираётган бўлса, эртага биринчи галда айнан ўша шахснинг ва унга яқинларнинг оиласи бангилик домига тушаяпти. Гиёҳвандликнинг охири бир умрлик ногиронлик, ўлим ёки қамоқдан бўлак манзилларга етакламайди. Элдаги бангиларнинг аксарияти «ёшулли»лар, пулдорлар, ҳали-ҳануз ушлашга муваффақ бўлинмаган «қорадори» ёки героин савдогарларининг фарзандлари, яқинлари бўлиб чиқаётганига фактлар гувоҳ.

Ватанни сақламоқ, халқини қўриқламоқ, эл-юрт тинчи ва осойишталигини таъминламоқ, истиқлолни эъзозламоқ, йўлбошчимиз ғояларини қадрламоқ, ўзи ва ўзлигини куфр ва ғайриқонуний ишлардан асрмоқдан бошланади. Ўз оиласида, яшаётган кўчаси, маҳалласи, эли, юрти, Ватанида ўзи ва ўзлигини асролмаётган юқоридаги тоифа кимсалардан халқимиз ҳазар қилаяпти. Энди улар ўзларидан-ўзлари ҳазар қилишармикан? Ҳазар қилсалар гиёҳвандликнинг йўли бекилиши учун яна бир пойдевор вужудга келади. Башарти, ҳазар қилолмасалар халқнинг ўзи улардан ҳазар этади, йўлдан четга итқитади.

**Абдулла СОБИРОВ, Хоразм вилояти**



***Янги йил арафасида "Жиззах" шоҳбекатида темирйўлчилар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш иштирокчилари шохбекатда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, тажриба алмашишди.***

***Суратда: (ўнгдан) "Жиззах" шоҳбекати бошлиғи Акром Абдуллаев қорақалпоғистонлик ҳамкасби Жанабой Сотуллаев билан ўзаро мулоқотда.***



***Умрихон Абдураҳмонова 1994 йилдан бери Сирдарё шаҳридаги "Деҳқон бозори" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бош иқтисодчи бўлиб ишлаб келмоқда. У тадбиркорлар билан ишлашда жамият аъзоларига намуна бўлмоқда. 2001 йилни "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилиниши У.Абдураҳмонованинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшишди.***

***Суратда: У.Абдураҳмонова.***

*Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар*

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ҲАММА МАСЪУЛ

*Нуқтаи назар*



(Боши 1-бетда)

қотиришга ҳаммамиз дахлдор эканимизни унутмаслик лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилганидек, фарзандлар тарбияси учун биринчи навбатда ота-оналар масъулдир. Оиладаги ҳар бир бола мустаҳкам назоратда турмоғи даркор. Вояга етмаган Толиб Набиев 1983 йилда туғилган, Давлатобод тумани 1-кичик туманда яшайди. Тўлиқсиз ўрта маълумотли, ҳеч қаерда ишламайди. Унинг ҳам қаерларда изғиб юришини оиладагилар билмайди. 2000 йилнинг 23 июл куни у Чортоқ тумани, Бештол қишлоғидаги қариндошиникидан қайтаётиб, "Чортоқ" деҳқон бозорига киради. Мол бозорини айланиб юриб, қўй олмоқчи бўлган фуқаро Тоҳир Шариповнинг сумкасидаги пулга кўзи тушиб қолади. Шу пайт унда қандай қилиб бўлмасин, ана шу пулни ўғирлаш фикри туғилади. Гавжум одамлар орасида унинг орқасидан тушади. Ниҳоят, фуқаро сумкасининг ёнини олмос билан қирқиб, унда бўлган 30000 сўм пулни яширин йўл билан ўғирлайди. Оқибатда Толиб ЖКнинг 169-моддаси, 2-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятни содир этади. Шаҳар суди жиноят қилганликда айбли деб топса-да, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 9 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Фармонини қўллади. Суд вояга етмаган ёшда жиноят содир этганини назарда тутиб, унинг жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш юзасидан ажрим чиқарди. Шундай қилиб, Толиб Набиев жазодан қутулиб қолди. Бу Президентимизнинг ёшларга нисбатан кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир. Бундан Толиб ва унга ўхшаган вояга етмаган ҳуқуқбузарлар тегишли хулоса чиқариб олиши керак.

Шаҳар судида кўрилаётган ёшлар жиноятига оид бундай ишлар одамни ўйга толдиради. Биз уларнинг айримларини мисол қилиб кўрсатдик, холос. Вояга етмаганлар ўқиса, фойдали меҳнат билан шуғулланса, бўш вақтини мароқли ўтказиш учун етарли шароит яратилса, бундай нохушликларнинг олди олинарди. Бекорчидан эл безор деганларидек, ҳамма иллат бўш юришликдан, такасалтангликдан, назоратсизликдан келиб чиқади. Шунингдек, тўқликка шўхликдан ҳам жиноят келиб чиқмайди, деб кафолат бериб бўлмайди.

Хўш, шаҳримизда вояга етмаган жиноятчи ўсмирларга ким масъул? Аввало, қонунбузар ёшларга ота-оналар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъулдирлар. Қолаверса, вояга етмаганлар тарбияси ҳаммамизнинг вазифамиз бўлиши зарур. Биз ёшлар тарбиясида кўзланган мақсадга эришсаккина уларни жиноятдан қайтара оламиз.

**Эшондеда БУРҲОНОВ,**
**Наманган шаҳар судининг раиси**



Юртимиз мактабларида болаларнинг Янги йил байрамлари шоду хуррамлик билан давом этмоқда.



# ҲАЙДОВЧИ МАДАНИЯТИ

*Фикр*

(Боши 1-бетда)

га солинмаган ўтиш жойларига яқинлашаркан, шу йўналишнинг қатнов қисмида бўлган пиёдаларни ўтказиб юбориш учун тезликни камайтириши ёки машинани тўхтатиши керак".

Бу талабларга амал қилиш менинг фикримча, энг зарур ва долзарб бўлиб, ҳайдовчилардан қоидага қатъий риоя қилишликни талаб этади. Чунки йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпи пиёдалар йўлни шу қисмини кесиб ўтаётганларида содир бўлмоқда.

Афсуски, ДАН ходимларини бундай масъул йўл қатнови жойларида турганликларини, бу талабни бузган ҳайдовчилар билан профилактика ишлари олиб борганликларини кўрмаганман. Улар кўпинча унчалик зарур бўлмаган жойларда туришиб, назорат олиб боришади.

Тошкент шаҳар адвокатлар уюшмасининг йўл-транспорт ҳодисалари бўйича ихтисослашган адвокатлар ҳайъатига юқорида таъкидланган ҳолатларда содир бўлган ҳодисалар натижасида жабрланган фуқаролардан мурожаатлар тушмоқда. Улар бундай кўнгилсиз йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқишига сабаб бўлувчи ҳолатларни бартараф қилишда ДАН ходимлари сал фаолроқ бўлишларини талаб қилишмоқда.

Ҳақиқатни айтадиган бўлсак, бизнинг республикамизда кўпчилик ҳайдовчилар бу талабга риоя қилиш маданиятидан узоқлар.

Ўйлайманки, пойтахтимиз ва бутун республикамиз ҳайдовчилари ҳайдовчилик маданиятига риоя қиладилар, пиёдаларни ва ўзларини ҳам ҳурмат қиладилар. Зеро, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларининг 16.1 банди талабларига риоя қилиш ҳайдовчининг маданиятлилигини кўрсатувчи асосий мезонлардан биридир.

**Абдуқодир МАМАНОВ,**
**Тошкент шаҳар адвокатлар уюшмаси адвокати**

*ГиёҳБандилари*

# ҚАЛТИС ЙЎЛДАН ҚАЙТ, АЁЛ!

Гиёҳвандликни аср вабоси, деб бежизга айтишмайди. Бугун жаҳоннинг барча эсли-ҳушли бу иллатга қарши курашаётган пайтда, айрим иймонини ютган кимсалар уни ташиш ва сотиш билан шуғулланиб, "оқ ажал" элчиларига айланиб қолаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Улар орасида аёл зотининг аралашиб қолиши эса оғир-таассуфлидир.

Фарғоналик Ҳурматой Каримованинг харжи кўпайиб, қарз балосига илашиб қолди. Бундан қутулиш учун Наманган шаҳрига бориб, таниши — дугонаси Маликахоннинг уйида яшаб, мева-чева олди-сотдиси билан шуғуллана бошлади. Аммо бу иш билан қарзларидан қутулишига кўзи етмади чоғи, савдо-сотиқ қилиб юрганда "офтобда қатиқ ялашган" дугонаси Дилором Умаровага кўнглини ёрди. У эса ҳеч иккиланмай, гиёҳванд модданинг олди-сотдиси билан шуғулланишни маслаҳат берди. Амалий ёрдам сифатида Ўш шаҳридан келган Сиддиқ Нуралиев, унинг Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманида яшовчи поччаси Абламит Ашуров, Наманган шаҳрида яшовчи Валерий Акромовлар билан таништириб қўяди. Энди Ҳурматой шерикларидан тегишли "топшириқ" олгач, гиёҳванд моддаларга харидор қидира бошлайди. Кўп ўтмай, харидорнинг зўри, накд пулни санаб





берадигани Андижон шаҳридан топила қолди.

Уларнинг иши юришиб кетди. Шериклар тез-тез учрашиб, савдо операцияси режасини туздилар. Қирғизистонлик Сиддиқ Нуралиев соф оғирлиги 1 килограмм 938 граммни ташкил этадиган "қорадори"ни божхона, чегара постларини четлаб ўтиб, Оқбўйра сойи орқали Хўжаобод шаҳрига етказиб келтириб берди. Катта пулнинг илинжида ҳеч нарса кўзига кўринмаган ҳамтовоқлар "қорадори"ни 5000 АҚШ долларига ўтказишмоқчи бўлиб турганларида тумшуғидан илиндилар. Чунки "харидор"...

Эҳ, аёллар! Баъзи қинғир эркакларга қўшилиб, гўзаллик тимсоли, оила маликаси деган номга доғ туширмаяпсизми? Нима бўлаяпти ўзи?! Наҳотки, сизларнинг ҳаётбахш, нозик қўлларингизда гиёҳванд моддалар ўйнаб юрса?

Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳрилик Ибодат Аҳмаджонова турли қинғир йўллар билан илгари яшаган манзили Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманида ўзининг қизлик "Раҳмонбердиева" фамилиясига Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини олишга эришган. Аммо 2000 йил 18 апрелида ушбу сохта паспортдан фойдаланиб, "Дўстлик" божхона постидан ўтмоқчи бўлганида тумшуғидан илинди.

"Ишбилармон" бу аёлнинг кўкраги остига яширган 269,8 грамм гиёҳвандлик моддаси божхона кўригидан ўтказилаётган вақтида топиб олинди.

"Оқ ажал" ташувчилар айбларига иқрор бўлиб, афсус-надомат чекдилар. Аммо кеч эди. Аттанглар асқотмади. Улар қилмишларига яраша жазосини олдилар.

Бир фикр кишини ўйлантиради. Муҳтарама зот саналган, Она деган юксак номга мушарраф бўлиб, 4-5 нафардан боласи бор бундай аёлларнинг "оқ ажал" элчиларига айланиб қолаётганларини ўзлари тушуниб етармикин?! Ахир, тирикчиликни бошқа тўғри, ҳалол-пок йўллар билан эл қатори ўтказсак бўлади-ку! Бола-чақага ҳам ҳалол луқма едириш керак-да! Бир тишлам нон билан қорин тўяди, деганлар. Бола-чақа, тирикчиликни рўкач қилиб, аср вабоси — "оқ ажал" гиёҳвандлик воситаларини ташиш билан улар ёшларнинг гулгун ҳаётларига чанг соладилар. Қонун ва ҳуқуқ-тартибот органлари эса уларнинг йўлига ғов солаверадилар. Ундайларга бу йўлдан қайт, аёл, дегимиз келади.

**Қўчқорали КАРИМОВ,**
**Андижон вилоят суди раисининг ўринбосари**

*Гиёҳвандлик - иллат*

# "ОҚ АЖАЛ" КУШАНДАЛАРИ

Гиёҳвандликни асримизнинг вабоси деб ҳисоблашмоқда олимлар. Унга мубтало бўлганлар таркибида "оқ ажал" моддаси бўлган ўсимликларни экиб парваришлаш, ундан "ҳосил" олиб, қайта ишлаш йўли билан заҳри қотилга эга бўлмоқдалар. Бундай шахслар ана шундай ноқонуний ишлари билан нафақат ўзларини, балки бошқаларни ҳам заҳарлашга улгурмоқдалар. Шу ўринда Юртбошимиз "Наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш, ушбу жиноий бизнес яратиб берадиган жуда катта бойлик орттириш имкониятлари унинг иштирокчиларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам, миллий қонунлар мажмуи билан ҳам, айниқса, "оқ ажал"нинг ҳалокатли оқибатлари билан ҳам ҳисоблашмай, ҳамма ишни қилишга мажбур этмоқда" деб тўғри таъкидлаган эдилар.

Туманимизда ҳам гиёҳвандлик касалига чалинган, шу билан бирга бошқаларга ҳам ўз таъсирини ўтказаётган кишилар туман ИИБ томонидан ўтказилаётган турли тадбирлар давомида қўлга туширилмоқда. Ундайларга туман суди ўз вақтида тегишли жазо тайинлаяпти. Новкент кўчасида яшовчи 1962 йилда туғилган, 4 нафар фарзанднинг отаси, ҳеч қаерда ишламайдиган Пўлатбой Бойматов бунга яққол мисол бўла олади. У ўтган йилнинг 27 август куни туман марказида маст ҳолатда гандираклаб кетаётганида туман ИИБ томонидан тўхтатилади. Бўлимга олиб кетилаётганда Пўлатбой шимининг чўнтагидан оқ қоғозга ўралган бир нарсани олиб ерга ташлаб юборади. Қоғозни ердан олиб очиб кўрилганда, ичидаги кўк рангли, ўткир ҳидли, майдаланган ўсимлик барги эканлиги маълум бўлади. П.Бойматовнинг уйида тинтув ўтказилганида, токчадаги кийимлари орасидан целлофан халтада бўлган кўк рангли ўткир ҳидли, майдаланган ўсимлик барглари топилиб, холислар иштирокида баённома орқали далилий ашё сифатида олинади. Экспертиза хулосасига кўра, оқ қоғозга ўралган 3,2 грамм ва уйдан топилган целлофан халтадаги соф оғирлиги 147,2 граммни ташкил қилган ушбу моддалар гиёҳванд воситалари таркибига кирувчи "марихуана" экани аниқланди.

Суддаги кўргазмасида П.Бойматов содир этган қалтис ҳаракатидан пушаймон эканлигини, дарахтдан йиқилиб тушиб, қаттиқ тан жароҳати олганлиги сабабли наша моддаси истеъмол қилиб туришини, уни Ғовазон автомобил йўлининг чекка қисмида ёввойи ҳолда ўсиб ётган ўсимликлардан териб олганини, лекин наша моддаси олди-сотдиси билан умуман шуғулланмаганлигини маълум қилди. Ва қарамоғида 4 нафар ёш боласи борлиги ҳамда хотини хасталиги сабабли оғир ишларга ярамаслиги, оилавий шароити ночорлигини ҳисобга олиб, енгиллик беришликни сўради. Бироқ нега бирор ташкилотда фойдали меҳнат билан шуғулланмайсиз, бу аҳволда оилани қандай тебратасиз, дея берилган саволларга судланувчи жавоб беролмай ер чизиб қолди.

Судланувчи П.Бойматов жиноий ҳаракати учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми "а" банди бўйича айбли деб топилиб, суд ҳукми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Суд унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Фармонининг 9-моддаси "а" бандини қўллаб, тайин этилган 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини учдан бир қисмига қисқартирди.

П.Бойматов сингари кимсалар ўзлари истеъмол қилаётган моддаларнинг ҳаётлари учун нақадар зарарли эканини тушунмаётганга ўхшайдилар. Наҳотки, улар бозор иқтисодиёти шароитида касалликни пулга сотиб олишаётганини, қолаверса, амалдаги қонун талабларини бузишаётганини ҳис этишмаса. Ахир, гиёҳвандликка берилиш ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам кони зарар-ку. Бундан ҳамма керакли хулоса чиқариб олиши зарур.

**Ҳамида СОЛИЕВА,**
**Янгиқўрғон туман судининг раиси**




## Манзара

...21 ёшли йигит вафот этди. 3 йилдан буён томирига укол қилар экан...

...Банги ўғил отасини ўлдириб қўйди. Сабаби ота ўғлининг чекишига пул топиб беролмади...

...Гиёҳвандлик шифохонасида ётган ўсмир йигитча ўзини ҳар томонга уради. Қўлларини чўзиб, ёлворади, илтижо қилади:

- Раҳмингиз келсин, озгина укол қилинг, чидолмайман, - оҳ уради, даҳшатли қичқиради, лекин... лекин кўзидан бир томчи ёш ҳам оқмайди.

Кетаяпсиз, қаршингизда 3-4 ўспирин, ораларида қизлар ҳам бор. Барининг кўзлари сузилган. Чеҳралари рангпар, боқишларида маъно йўқ. Олдиларидан ўтишга ғижинасиз. Ҳаммаёқ тупук, қўланса, димоғни ачиштирадиган оғир ҳид...

## Шунчалар ёвузмисиз?

Ўқиган эдим. "Сен учун нимаики яхшилик бўлмаса, ўзинг учун нима ёмон деб билсанг ва уни ўзингга раво кўрмасанг, демак, ёмонликдир. Сен ҳазар қилган ёвузликдир. Нимаики, сен учун яхшилик бўлмаса, у бошқалар учун ҳам ёмонликдир".

Роҳат Аҳмедова — она, 3 нафар фарзанди бор. 37 ёшдаги бу аёлни ҳамшаҳримиз дейишга ҳам ор қилади киши. Аммо бу аёл ажал уруғини пуллаб, тўкин-сочин ҳаёт кечираяпти. Яқинда Роҳат Аҳмедова 110 грамм героин моддасини қонунга хилоф равишда сотиш мақсадида олиб кетаётганда қўлга олинди. Бу миқдордаги оғу билан минглаб одамларнинг фалаж бўлишини Роҳат опа билмаслиги мумкин эмас. Кимнингдир тўкилажак кўз ёшлари, хазон бўлиши тайин умри эвазига бойлик орттирмоқчи эди Роҳат опа.

Боласи қўлига тикан кирса, биринчи бўлиб онанинг юраги санчади. Она учун фарзанддан ортиқ, азиз зот йўқ. Сайёра Ачилова ҳали 29 ёшда. Термизлик бу аёл ҳам Қаршига ёмон ният билан келди. Онани ўғлидан жудо қилиш, аёлни турмуш ўртоғидан айириш, бангилар сонини кўпайтириш, харидорлари сонини ошириш Сайёранинг мақсади эди.

Кузнинг мезони эсиб турган кунларнинг бирида Деҳқон бозоридан ўтиб, "Наврўз" чойхонаси олдида ёшгина, чиройли кийинган аёл тўхтади. Чойхонага келувчиларнинг кети узилмайди. Ширакайф ҳолатда чиқаётган йигитларни Сайёра тезда пайқаб, бир пасда улар атрофини ўрайди. Целлофан халтачаларга ўралган кичкинагина ўрамни навбатдаги харидорга тутқазар экан, бирдан ранги оқарди, пул тутган қўллари қалтиради.

Ички ишлар бўлими ходими С.Ачиловани жиноят устида ушлади. Шу куни Сайёранинг юбкаси қатидан 140,0 грамм героин моддаси топилди.

Сайёра бу моддани 70000 сўмга нотаниш одамдан сотиб олганлигини, хариди ўнгидан келса, яна шунча пул чўнтагига тушиши мумкинлигини айтди.

## "Гул дегандик..."

Ҳамшаҳримиз Низом Казаков эса ҳовлисида ўстираётган "Канапли"ни (наша) билмай, гул деб ўстираётган экан. Бу "содда" йигит гиёҳванд ўсимликни нашадан фарқлай олмаганига ҳеч кимни ишонтира олмади. Уй эгасининг ҳовлисига қўшнилар кира олишмас, катта қопағон итдан қўрқар:

- Итингизни боғлаб қўйсангиз бўлмайдими? - деган дашномлари жавобсиз қоларди. Ҳовлига келган турли нотаниш одамлар ишларини бирпасда битказиб, дарвоза олдидан ғойиб бўлишарди.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, сир фош бўлди. Низом тақиқланган ўсимликни ўстираётганлигини тан олди. Бу оила аъзолари ҳеч қаерда ишламаса-да, бадастир ҳаёт кечирар эди. Ҳаром тешиб чиқади, деганлари шу-да!

## Оғу — кимнинг оҳи

Гиёҳвандликни XX асрнинг вабоси дейишаётганлигини эшитамиз. Лекин бу сўзнинг замирига ҳеч эътибор берганмисиз? Энг оғир дард раклигини биламиз. Лекин бу хасталик ҳам вабо дейилмайди. Чунки рак, саратон хасталиги бир кишининг умрига зомин бўлса, вабо юқумлилиги билан атрофдагиларга ҳам хавф солади.

Вабо... нима у? Давосиз дард, ҳеч тузалмайдиган, тузатиб бўлмайдиган касаллик. У билан касалланган одам қирилиб кетади. Инсоният олдида ана шу гиёҳвандлик вабоси турибди. Вабога қарши кураш вазифаси турибди.

Шаҳарда гиёҳвандликнинг сўнгги пайтларда ошаётганлиги ташвишли. Айниқса, 16-35 ёшгача бўлган ёшлар орасида ва 30-50 ёшдаги аёллар ўртасида гиёҳванд моддаларнинг истеъмоли, уни сотиш ҳоллари учраётганлигини кўриш мумкин. Агар таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган йили 93 та гиёҳванд мажбурий даволанишга юборилган бўлса, ўтаётган 9 ойда бу рақам 121 тани ташкил этди. Улар орасида 61 аёл гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят содир этган.

Гиёҳвандликка берилганлар кимлар? Бу ҳолни таҳлил этганимизда қуйидаги манзарага дуч келамиз. Илгари жиноят кўчасига кириб қолган ўсмир-ўспиринларнинг оилавий шароити ўрганилганда, улар нотинч оила, маиший носоғлом кишиларнинг фарзандлари эканлиги маълум бўлди.

Гиёҳвандликнинг тарқалаётганлигига яна бир сабаб: фойдали меҳнат билан машғул бўлмаслик — ишсизлик.

Ғайрат - 24 ёшда, Равшан - 22 ёшда, Чори - 26 ёшда... Уларнинг ҳеч бири ишламайди. Аммо ҳаммасининг фарзанди бор. Ҳаммаси ёш оила бошлиқлари. Хонадонларига 2 та нон олиб бориш уёқда турсин, ҳар куни уйдаги қайси жиҳозни сотсам, деган ўйда юради.

Т.Олим бир марта 32 ёшида 1998 йилда озодликдан маҳрум этилган. Сабаби, у героин моддасини уйида сақлаган ва истеъмол этган эди. Унга Амнистия эълон қилинди. Аммо иродаси бўш йигит ўзини қўлга ололмади. Кўчада томирига героин моддасини юбораётган пайтда ушланди.

Ж.Искандар, Р.Қаҳрамонлар — 40 ёшда. Аммо уларнинг ҳар бири суднинг қора курсисида 4 мартадан ўтиришга улгуришди. Ўғрилик жинояти билан қўлга тушган бу йигитлар ҳам героин истеъмол қилишади.

Гиёҳванд моддани истеъмол қилиш нафақат ўша одамни, балки унинг оиласини ҳам хор қилади, емиради. Гиёҳванд моддага ўрганган одам, оиласи, болалари ризқига чанг солади, рўзғорини абгор, вайрон қилгач, қўни-қўшни, қариндош-уруғи ризқига чанг сола бошлайди. У шу қадар очкўз, шу қадар ваҳший, тубанлашадики, дарду хаёли, фикр-ўйи фақат ўша "оқ ажал"га етишиш бўлади. Унинг учун инсоф-диёнат, меҳр-мурувват, муҳаббату оқибат ҳаммаси бир тийин, бир пул.

Янги уйланган йигит келинчакнинг никоҳ узугини ўғирлайди. Сотиб, наша олади. Яна бир банги йигит отасининг ҳали совиб улгурмаган қабрини кавлаб, тилла тишларини қоқиб олиб, сотади. Эвазига ҳамтовоқлари билан героин олади...

Яқинда шаҳар туғруқхонасида бошсиз чақалоқ туғилди. Ё алҳазар, дейсизми? У ҳам банги укамизнинг маҳсули эди. Бундан-да ортиқ даҳшат, бундан-да ортиқ фожиа борми? Юраги бор одам учун бундан-да оғир кулфат, офат бўладими?

## Заҳарнинг ози бўлмайди

Гиёҳванд моддани сотиш ва истеъмол қилиш жиноят ҳисобланади. Қуйидаги рақамларга эътибор беринг. Ёнидан 0,1 грамм гиёҳванд модда топилган одам, у сотаётган ёки истеъмол қилаётганлигидан қатъий назар озодликдан маҳрум этилади. Баъзан шунча оз миқдорга ҳам жазоми, деб сўраб қолишади. Уларга шуни эслатиб қўйиш керакки, заҳарнинг ози ёки кўпи бўлмайди. Унинг энг оз миқдори ҳам инсонни ҳалок этади. Шунингдек, наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг 1998 йил 22 май Қарори билан тасдиқланган "Қонунга хилоф сақлашдаги ёки муомаладаги топилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ўлчами оз, озгинадан кўпроқ ва кўп миқдорга мансублиги рўйхати"да героиннинг оз миқдор деб белгиланмаслиги эслатилади. Сабаби бу заҳар, ҳаётимизга хавф солувчи заҳар. Заҳарнинг эса юқорида айтганимиздек, ози ёки кўпи бўлмайди. Истеъмол этган ёки сотишни кўзлаган мақсаднинг ҳар иккала ҳолати ҳам 4 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Умр қисқа, бир тутам. Заррин қуёш, бу мусаффо осмон, тоза ҳаво, она замин — борлиқ шундай ҳам абадий эмас. Нотўғри ҳаракатимиз билан уни янада қисқартирмайлик. Бу замин, бу осмон, еру кўк бари, ёруғлик меники, меники дея ҳар лаҳза ҳайқира олайлик.

## Нима қилмоқ керак?

Бу оғу сизнинг, унинг, барчамизнинг хонадонимизга, кўнглимизга кириб бормаслиги, қувончимизни чилчил этмаслиги, бахтимизни поймол қилмаслиги... ва сўнгги бекатга... бир зумда элтиб қўймаслиги учун нима қилишимиз керак? Хавфли иллат газак олмаслиги, ижтимоий офат, миллий кулфат бўлмаслиги учун қандай йўл тутиш керак?

Ақлимизни, эс-ҳушимизни йиғиб олишимиз, ҳушёр бўлишимиз, энг муҳими, ҳаммамиз ҳокимлик, суд-прокуратура, ички ишлар бўлимлари, хавфсизлик хизмати, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари, маҳалла, кенг жамоатчилик бир ёқадан бош чиқаришимиз, расмиятчилик учун тадбир ўтказмай, амалий иш қилишимиз зарур. Чунки Юртбошимиз айтганларидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, ақлли, бахтли бўлиши керак.

Юртимиз эса бугун орзу қилаётганимиз каби энг ҳур, энг ривожланган давлат бўлади.

**Хайрулла АСЛАНОВ,**
**Қарши шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси,**
**Комила КАРОМОВА,**
**журналист**

# ОҚИБАТНИ УНУТМАЙЛИК

Инсон ҳаёти, табиатига кўра, мустаҳкам қонуният — иймон ва диёнат устунлари асосига қурилган. Ана шу асос боис инсон умрида мазмун, мақсад, тараққиёт мавжуд. Мақсадсиз ва ҳаракатсиз одамдан қўрқиш керак, деган экан донолардан бири. Касб фаолиятим юзасидан кўплаб инсонлар тақдири билан боғлиқ ишлар билан танишаман, одатда жиноят кўчасига кириб қолган фуқаролар ҳаётини ўрганишга тўғри келади. Шунда савол туғилади: хўш, улар бу кўчага қандай кириб қолишган? Келинг, ҳаётий мисолларга мурожаат этайлик.

Ф. Ва Д. Яқин дугоналар эди. Нима бўлди-ю, Ф.нинг таъби айниб, кўнгли бойликни тусаб қолди. Ф. ва Д. фириб орқали мўмайгина пул топишга ўтиб олишди, ҳатто сохта ҳужжат билан Ф. бир неча нуфузли идоралар эшигига бош суқди. «Ишлари» юришганидан хурсанд дугоналар катта бойлик жазавасига тушиб қолишади. Мўлжал ҳам аниқ олинади. «Олой» бозорида номигагина «тиллачи» бўлган бу «хонимлар» бозорда савдо қиладиган М.ни алдаб, молларни сотиб беришни ваъда қилишади-ю, лекин бунинг уддасидан чиқмай, аксинча, М.ни сохта ҳужжат орқали қўрқитишгача боришади. Кўп ўтмай янги режа тузилади.

Дугоналар М.нинг бойликлари ва тиллаларига эга чиқиш ниятида мебелларни кўрсатиш баҳонаси билан уни Юнусободдаги хонадонлардан бирига таклиф қилишади. М. бу хонадонга кириб келиши биланоқ олдиндан ишни пишитиб қўйган Ф. ва Д. уни ваҳшийлик қурбонига айлантиришади. Бевақт дунёдан кўз юмган аёл жасадини қопга жойлаб, Д.нинг турмуш ўртоғи орқали нотаниш ҳайдовчи машинасида таниш хонадонлардан бирига олиб келишади. Хонадон соҳибларига аёл жасади янги келтирилган хориж моли сифатида таништирилиб, хонадондаги ижарачи қизлар Д. билан бозорга кетганида, фурсат ўтмай шу хонадон боғига кўмиб юборилади.

Бироқ ички ишлар ходимларининг фаол ҳаракати билан Ф. ва Д.ларнинг жиноятлари фош этилди. Жиноятчилар керакли жазосини олди. Лекин ўйлаб кўрсак, бу фожиадан М.нинг оиласи озмунча изтироб чекмадими? Қолаверса, жиноятга аралашган аёлларнинг фарзандлари-чи? Улар энди кимнинг қўлида тарбия топади? Саволлар кўп, бироқ жиноят кўчасига одам ўз-ўзидан кириб қолмайди. Юқоридаги ҳодисадан кўринадики, ҳар икки жиноятчи аёл ҳам оиладан ўз қўнимини топа олмаган. Шу боисдан ҳам мўмай пул, ширин ҳаёт «орзу»сига берилишган. Тўғри амнистия ҳақидаги фармонига кўра, жиноий жазо бирмунча енгиллашди. Лекин бундан кимга наф? Бевақт хазон бўлган М.нинг оиласизгами ёки онасиз ўсишга мажбур бўлаётган Ф. ва Д.нинг болаларигами?

Қашқадарёнинг Чироқчисида ҳамма ҳавас қиладиган бир оила бор эди. К. ва Б. бир-бирларини севиб турмуш қуришганди. Кўп ўтмай ширин фарзандлар дунёга келди. Турмушлари ўз маромида ўтаётган эди. Бироқ К. бўлар-бўлмасга рашк қиладиган одат чиқарди. Аслида йигит кишида рашк бўлгани маъқул. Бироқ ҳар нарсанинг меъёри яхши экан. К. меъёрни унутиб қўйди, очиқдан-очиқ таҳдидга ўта бошлади. Кунлардан бир кун у баҳона топиб, хотинига таҳдид қилди: «Сени ўйнашларинг кўп, шунинг учун сени йўқ қиламан!» дестлаб бу гапларни оддий ҳазилга йўйган Б. эрини овутган бўлди. Аммо қора ният бандаси К.ни бу ҳол баттар ғазаб отига миндирди, хотинини калтаклай кетди... Бир вақтлар уни жонидан ортиқ кўрган аёли К.га нисбатан умуман ишончини йўқотди. Орага совуқлик оралади. Бир куни жоҳиллик қулига айланган К.ухлаб ётган хотинини келиб бўға бошлади. Рафиқаси гап нимада эканлигини пайқамаёқ ҳушини йўқотди, ҳеч қанча вақт ўтмай эса жон таслим қилди.

Бизнингча, К.ни жиноят кўчасига олиб кирган сабаб ҳам оилада меҳр-оқибатнинг, ишончнинг йўқолганидир. Бунинг устига К.нинг қора қилмишли «оқ дўсти» — ароқнинг ҳам «кўмаги» бўлган. Ҳа, ичкилик инсон умрини завол қилиши аниқ. Афсуски, кейинги пайтда бу холдан кўпчилигимиз кўз юмиб ўтишга ҳаракат қилаяпмиз.

Инсон умрини муқаддас инъом дейдилар. Ундан тўғри фойдаланиш эзгу мақсадларга элтади. Аслида ҳеч ким онасидан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Уни шу кўчага олиб келадиган сабаблар бўлади. Сабаблар кўп, лекин уларнинг келиб чиқишини ўрганишимиз керак. Йўқса, касалини яширган билан иситма ошкор қилганидай, жиноятлар кўпайиб бораверади. Қонунларга амал қилиб яшаш бурчимиз экан, келинг, ана шу инсоний бурчга содиқ қолайлик. Юқоридаги инсонлар фожиаси бир сабоқ бўлсин.

**Юсуф МУСАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси прокурори, адлия маслаҳатчиси**



## Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги «Пардаев Бозор» хусусий нотариал идораси

## Ўзбекистон халқини Янги йил, Янги аср ва Янги минг йиллик билан муборакбод этади.




***Янги йил бу жаннатмакон ўлка аҳолиси учун барча соҳаларда улкан зафарлар йили бўлиб, ҳар бир оилага тотувлик, меҳр-оқибат, бахт келтиришини тилаймиз.***

# ТАБИАТНИ АРДОҚЛАБ



Табиатга меҳр ва шафқат, аслида, инсоннинг ўз бардавом наслига кўрсатган ҳимматидир. Ўзбек хонадонида атроф-муҳитга, ўт-ўлан, дов-дарахтга меҳр билан муносабатда бўлиш болалар тарбиясининг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Гуркираб ўсиб турган майсани топтамаслик, кўкарган ниҳолни букмаслик, сувга тупурмаслик каби табиатпарвар ўгитлар, ҳикматлар билан боғланган қанчадан-қанча ривоятлар, ҳикоятларимиз бор. Не ажабки, фан ва техника юксак тараққиётга эришган бугунги даврга келиб, табиатни асраш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш дунёвий муаммоларнинг энг етакчиларидан бирига айланди. Мана, неча йилдирки, мазкур мавзу матбуотимизнинг долзарб масалалари доирасидан тушмай келаётир. Сизнинг севимли "Инсон ва қонун" газетангиз деярли ҳар сонида атроф-муҳитни асраш, унинг гўзаллигини туюш, муҳими, табиат муҳофазаси билан бевосита боғлиқ қонунлар ҳақида турли-туман материаллар, сурат-лавҳалар эълон қилиб келаётир. Яқинда шундай хушхабар олдик.

"Инсон ва қонун" газетасининг Хоразм вилояти бўйича мухбири Абдулла Собиров газетада эълон қилинган "Ўрмончининг болтаси бор" сарлавҳали мақоласи учун Хоразм вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси танловида ғолиб деб топилиб, махсус диплом билан тақдирланибди. Биз серғайрат журналист, жонкуяр ходимимизнинг меҳнати муносиб эътирофини топгани билан қутлаб, ижодий изланишларида омадлар ёр бўлаверишини тилаймиз. Муштарийларни эса газетамизнинг янги йилдаги сонларида ҳам изчил ёритиладиган она-табиатимиз билан боғлиқ ўткир муаммоли мақолаларни ўқиб боришга даъват этамиз.

**ТАҲРИРИЯТ**



**- Илон йили барака ва омад келтиради, - дейди бухоролик морбоз Маҳмуд Қаҳҳоров. (Юқоридаги сурат)**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат**

*Бу ажиб дунё*

## ИЛОН ШЎРВАСИ БИЛАН МАШҲУР

**Гонг Конг ресторанлари илон шўрваси билан дунёга машҳур. Ҳар ойда бу ердаги ресторанларга 100 мингта илон келтирилади. Ресторан ҳовлисидаги махсус қафасларда сақланадиган бу тирик илонлардан хўранда ўзига маъқулини танлаб, хуш кўрган таомини тайёрлашни буюради.**

*Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

## ОРЗУЛАРИ КЎП ЭДИ

Инсон дунёга келиб, ўзидан яхши из, эзгу ишлар қолдирса, одамлар у ҳақда "ёниб келиб, ёниб кетди" дейишади. Таниқли ҳуқуқшунос, адолат тантанаси учун толмас курашчи Хоменкер Лев Моисеевич ана шундай кишилар сирасидан эди. Афсуски, бевақт ўлим фаолияти айни гуллаб турган бир пайтда уни орамиздан эрта олиб кетди.

1948 йили Ашхабод шаҳрида таваллуд топган Лев Хоменкер 1970 йили ҳуқуқшунослик мутахассислигига эга бўлган эди. У меҳнат фаолиятини Ашхабод шаҳар суд-экспертиза лабораториясининг катта лаборантлигидан бошлаб, жуда катта ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ашхабод шаҳар прокуратурасида катта терговчи, Тошкент вилоят прокуратурасида тергов бўлими прокурори, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси судларда жиноят ишини кўришда прокурорлик ваколатини таъминлаш бўлими прокурори, Ўзбекистон Республикаси Олий судида катта маслаҳатчи, умумлаштириш бўлими бошлиғи ва Олий суд раисининг ёрдамчиси, Олий суд судьяси каби қатор вазифаларда сидқидилдан хизмат қилди. Лев Моисеевич Республика Адлия вазирлиги Судлар фаолиятини ташкилий-таъминлаш бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси сифатида ҳам ўз ўрнини топган мутахассис эди.

Камтар, ўз ишининг устаси бўлган Лев Хоменкернинг дўстлари қадрлаб, ҳамкасблари жуда ҳурмат қиларди. У ўз меҳнат фаолияти давомида кўплаб ёшларга устозлик қилди, ҳаётий тажрибаларини ўргатди. Унинг келажакда орзулари мўл эди.

Лев Моисеевичнинг порлоқ хотираси, эзгу ишлари биродарлари, ҳамкасблари қалбида абадий сақланиб қолади.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси**

## Байрам хандалари

*Юқори синф ўқувчиси ўз ўқитувчисини доимо сенсираб юрар экан. Бундан асабийлашган муаллима ўқувчига буюрибди: "Ўқитувчини сизлаш керак, деган жумлани 50 марта ёзиб чиқ". Ўқувчи худди шу жумлани 50 марта эмас, 100 марта ёзиб ташлабди. Бундан кўнгли жойига тушган ўқитувчи "Ўз айбингга иқрор бўлибсан-да" деган экан, ўқувчи жавоб берибди: "Сени хурсанд бўлсин дедим-да".*

***

*Ёлғиз яшовчи йигит билан қиз хонадонлари рўпара тушган эди. Йигит ҳар кеч ўз хонаси чироғини ўчириб, қизнинг деразасидан унинг ечинишини томоша қилишга одатланди. Бир куни эрталаб йигитнинг телефони жиринглаб қолди:*

*- Алло, бу мен — рўпарангизда яшовчи қизман. Кечирасиз, мабодо, сиз кеча колготкимни қаёққа ечганимни кўрмадингизми?*

***

*Икки биродар учрашиб қолишибди:*
*- Иван, сен мени албатта кечиргин, кеча хотининг билан ётган эдим.*
*- Нима қипти, мен у билан ҳар куни ётаман-ку!*

***

*- Дўхтир, буйрагим оғрияпти.*
*- Одеколон ичасизми?*
*- Ичаяпман, ёрдам бермаяпти.*

**Хотин эридан сўраяпти:**
**- Мени сувдан қутқариб олган кишини сен кўрдингми?**
**- Кўрдим. Олдимга кечирим сўрашга келибди.**

## Шундай қилиб Илон йили йўлга тушди





– Ҳамшира, ташқаридан беморнинг ботинкасини келтириб беринг!

***Ушбу мучалда туғилганларга донолик ва зийраклик ато этилган. Улар вайсақи эмас, кўп ва хўб фикр-мулоҳаза юритишади. Бошлаган ишни қатъият билан охиригача етказишади, муваффақиятсизликни жуда ёмон кўришади. Табиатан хотиржам бўлсалар ҳам, ишнинг кўзини билиб, тез хулоса чиқаришади. Улар қиморбозликни ўрнига қўя олишмайди, шу боис бунақанги ишда таваккал қилмагани маъқул. Жудаям омадли кишилардир, лекин кўпинча зиқналик қилишади. Гоҳида худбин ва мақтанчоқ бўлишади.***

***Қарз беришни ёмон кўришади, аммо хушларига келиб қолса, ёрдам беришдан бўйин товламайдиган пайтлари ҳам бўлиб туради. Бўрттиришга мойиллик уларга хос хусусият, мабодо бировга ёрдам бергудек бўлишса, жонларини ҳам аямайдилар, айни пайтда тортинчоқ бўлиб қолишади, натижада фойдаларидан кўра зарарлари кўпроқ тегиши мумкин. Бинобарин бундай одамлардан ёрдам сўрашдан аввал ўйлаб кўриш керак. Акс ҳолда пушаймон қиласиз.***

***Ёстиқдошларини ўзлари танлашади, рашкчи ва инжиқдирлар. Енгилтакликлари оилавий ҳаётини қийинлаштиради. Никоҳсиз алоқалар — бу уларнинг заиф томонлари — ҳаётларини чигаллаштиради. Фақат оила аъзолари кўп бўлсагина, уларнинг бу майлига чек қўйиш мумкин.***

## Байрам ҳазили эмас...



*– Илон йили оилангизга тотувлик, Сизга бахт ва шодлик келтирсин! – дейди ҳамкасбимиз Дилноза Нормирзаева.*

**(Ушбу суратда Дилноза ҳақиқий илон билан)**

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи: **Б.ЭГАМҚУЛОВ**
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: **М.БЕРЕЗИКОВ**
Компьютерда матн терувчи: **М. ДЎСТОВА**

МАНЗИЛИМИЗ
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-24-41, 132-14-18.
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

